OZBEKISTON OVOZI

• 2011-yil, 9-iyun. Payshanba

69 (31.345)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

Парламент фаолияти

Манзилли ижтимоий химоя

тизими такомиллашмокда



Узбекистонда давлат қурилиши ҳамда иқтисодиётни ислоҳ этишнинг ўзагини бешта асосий тамойил ташкил этади. Бу тамойилларнинг бири бозор муносабатларига ўтиш шароитида кучли ижтимоий сиёсат юритишдир. Шу асосда мамлакатимизда ижтимоий ҳимоянинг кучли, таъсирчан механизми яратилди.

Айниқса, ёлгиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни аниқ манзилли ижтимоий химоялаш тизими тобора такомиллашиб бормоқда. Президентимизнинг «2011-2015 йилларда ёлгиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий химоя қилишни янада кучайтириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўгрисида»ги қарори бунинг ёркин мисолидир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Меҳнат ва ижтимоий масалалар қумитаси томонидан ташкил этилган семинарда мазкур қарорнинг моҳияти ва ундан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида батафсил суз юритилди.

Тадбирда Қонунчилик палатаси депутатлари, Мехнат ва ахолини ижти-

моий мухофаза қилиш, Иқтисодиёт, Молия, Соғлиқни сақлаш вазирликларининг масъул ходимлари, «Нуроний», «Махалла» «Мехр-шафқат ва саломатлик» жамғармалари хамда бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг малака ошириш маркази тингловчилари иштирок этди.

— Ижтимоий химояга мухтож фукароларни хар жихатдан куллаб-кувватлаш максадида катор конун хужжатлари кабул килиниб, тегишли чора-тадбирлар изчил амалга оширилмокда, деди парламент куйи палатасининг Мехнат ва ижтимоий масалалар кумитаси раиси Фахриддин Ража-

бов. — Ижтимоий кўмак беришнинг мутлақо янги, замоновий тизими яратилди. Президентимизнинг якинда эълон килинган карори ёлгиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни манзилли химоя килиш, турмуш даражаси, ҳаёт сифатини ошириш, ижтимоий мухофазасини таъминлаш, ижтимоий хизмат кўрсатишнинг хукукий базасини янада такомиллаштириш, ижтимоий хизматлар турларини кенгайтириш, даволаш ва согломлаштиришни такомиллаштириш, шунингдек, тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техник базасини мустахкамлаш, тиббий-ижтимоий реабилитация чораларини ва геронтология ёрдамини кучайтириш, уй-жой ва маиший шароитларини янада яхшилашда катта ахамият касб этади.

Қарор билан тасдиқланған дастур ижросини таъминлашда тегишли барча идоралар масъулият билан ёндашиши, парламент эса унинг ижросини ўз ваколати доирасида назорат қилиб бориши зарур.

(Давоми 2-бетда.)

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига!

— Президентимизнинг мазкур қарори билан тасдиқланган Дастур асосида тўртда муҳим йўналиш бўйича иш олиб бориш кўзда тутилган. Уларни амалга ошириш учун 107,5 миллиард сўм маблаг йўналтирилиши, шундан 94,2 миллиард сўм Давлат бюджетидан ажратилиши мамлакатимизда бировнинг ёрдами, кўмагига муҳтож кишиларга нақадар катта эътибор берилаётгани, ҳурмат кўрсатилаётганидан далолатдир. Юртимизда ҳеч бир инсон эътиборсиз қолмаётгани, инсон ва унинг манфаати амалда олий қадрият даражасига кўтарилганининг исботидир.



Дилбар ХОЛИҚОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.

— Ёлгиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни манзилли ижтимоий химоя қилиш тизими изчил такомиллашиб, бу йўналишдаги ишлар боскичма-боскич амалга оширилмокда. 1999 йилда Вазирлар Маҳкамасининг «2000-2005 йилларда ёлгиз кексаларни, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий химоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури тўгрисида»ги қарори қабул қилинган эди. 2006 йилда Президентимизнинг «2007-2010 йилларда ёлгиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни аниқ ижтимоий мухофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатиш чоратадбирлари тўгрисида»ги қарори эълон қилинди. Уларнинг мантиқий давоми сифатида Президентимиз яна бир қарорга имзо чекди. Энди бу ишлар янги боскичга кўтарилади хамда изчил давом этади.



Комил ОЧИЛОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.

— Шу вақтга қадар ҳам бу соҳада жуда катта ишлар амалга оширилди. Ёлгиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий мухофаза қилишни кучайтириш, уларнинг ижтимоий таъминот, уйжой, маиший шароитларини яхшилашга йўналтирилган кенг миқёсли чоралар кўрилди. Ижтимоий муассасалар капитал реконструкция қилинди, таъмирланди, зарур жихоз ва анжомлар билан таъминланли. Ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронлар тўлиқ диспансер кўригидан ўтказилиб, уларга стационар ва амбулатория шароитларида ҳамда хонадонда даволаш-согломлаштириш тадбирлари мунтазам амалга оширилди.

Буларнинг барчаси замирида инсонга эътибор, инсон қадр-қимматини улуғлаш мақсадлари ётибди. Бу вазифалар партиямиз электорати манфаатига хизмат қилишини ҳисобга олсак, ушбу қарор ижросини таъминлаш ва назорат қилиш партиямиз ҳамда фракциямиз зиммасига катта маъсулият юклайди.



Саттор РАХМАТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.

Қозирги кунда дунёда, айниқса, минтақамизда руй бераётган чуқур ва изчил сиёсий-иқтисодий жараёнлар амалдаги транспорт йулакларидан оқилона фойдаланиш билан бирга, мавжуд йирик халқаро бозорлар ва фаол шаклланиб бораётган истиқболли бозорларни боғлайдиган янги, самарали йуналишларни очиш ва узлаштиришни тақозо этмоқда.

Ислом КАРИМОВ

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ИСТИКЛОЛ ЙИЛЛАРИДА

(Давоми. Боши ўтган сонда.)

Халқ манфаати, Ватан тараққиёти йўлида

Ягона темир йўл тизимини барпо этиш мақсадидаги лойиханинг нихоясига етказилиши темир йўл ўтган худудда фойдали қазилма конларини комплекс ўзлаштириш, одамларнинг узоғини яқин қилиш, кичик бизнесни ривожлантириш, янги боғлар, фермер хўжаликлари барпо этиш, юзлаб иш ўринлари очиш имконини берди. Янги темир йўл йўналишининг ишга туширилиши, айниқса, унинг Қизилқум чўли орқали ўтиши вилоятнинг янада гуллаб-яшнаши, халқ хўжалиги юкларининг ўз вақтида етказиб берилишида мухим ахамият касб этди. Биргина Навоий вилояти худудида 15 станция барпо этилди, ўнлаб турар-жой масканлари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ва мактаблар қад ростлади.

(Давоми 3-бетда.)



Қарор ва ижро

Уй-жой ширкатлари: юксак самаралар

Президентимиз Ислом Каримов рахна-молигида коммунал сохада амалга оширила-ётган ислохотлар, аввало, хизматлар сифатини, халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилган. Бу борадаги ишларни амалга оширишда уй-жой мулкдорлари ширкатлари (УМШ) мухим ўрин тутади.

Истиклол йилларида коммунал хўжаликни ислох қилиш, уй-жой фондидан фойдаланиш ва унга хизмат кўрсатиш тизимига бозор механизмларини жорий этиш бўйича юздан ортик меъёрий-хукукий хужжат қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўгрисида»ги қонунига биноан кўп қаватли уйлардаги давлат уй-жой фондининг 98 фоизи хусусийлаштирилди. 1999 йил 1 апрелда бозор иктисодиёти талабларига жавоб берадиган Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг кабул килиниши уй-жой-коммунал сохасини ислох этиш борасида яна бир мухим қадам бўлди. Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон ушбу хужжатни собиқ иттифоқ республикалари орасида биринчи бўлиб қабул қилди.

⇒ 2

Бурчга бўлган муносабат

ёки ҳоким депутатлардан, депутатлар эса ҳокимдан ташаббус кутаётгани ҳақида



Эътироф

Узбекистондаги фаолиятим давомида юртингизда сиёсий, хукукий, ижтимоий ва иктисодий сохаларда изчил ва самарали ислохотлар олиб борилаёттанининг гувохи бўлмокдаман. Мамлакатингизда жамиятни демократлаштириш йўлида боскичма-боскич олиб борилаёттан, окилона сиёсатта асосланган янгиланишлар юксак самаралар бераётир.

Мамлакатларимиз ўртасида таълим сохасида хам якин хамкорлик алокалари ўрнатилган. Талабаларга таълим бериш жараёнида шунга амин бўлдимки, Ўзбекистон ёшларининг интеллектуал салохияти жуда юкори. Бу юртингизда таълим сохасида амалга оширилаёттан кенг камровли ислохотлар

самарасидир.
 Ўзбекистон, ҳақиқатдан ҳам, буюк давлат ва жуда гўзал мамлакат. Буни мен жуда чуқур ҳис этаман. Чунки юртингизда рўй бераёттан буюк ўзгаришларни бу ерда яшайдиган кишилардан кўра хорижликлар яхшироқ сезадилар».

Нагао КАЗУЮКИ,
Тошкент ислом университетининг Жахон иктисодиёти ва
халкаро иктисодий
муносабатлар кафедраси
ўкитувчиси (Япония)

Янгиликлар

Иқтисодиёт ривожига хизмат қилмоқда

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Иқтисодиёт вазирлиги томонидан ташкил қилинган ва мамлакатимизнинг халқаро молия институтлари билан инвестицион хамкорлигига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Конференцияда халкаро молия институтларининг кредитлари хисобидан Бухоро, Самарқанд, Гулистон, Жиззах, Қарши, Урганч шахарларида ичимлик суви таъминоти тизими тўлик реконструкция килингани таъкидланди. Автомобиль сохасига хам катта эътибор қаратилаётир. Осиё тараккиёт банки билан Ўзбекистон миллий автомагистрали таркибига кирувчи узунлиги 220 километрдан ортик автомобиль йўлини қуриш ва реконструкция қилиш учун қиймати 600 миллион долларлик кредитни жалб қилиш тўгрисида шартнома имзоланди.

Бундан ташқари, иқтисодиётнинг асоси хисобланган саноат тармогига хам салмоқли инвестиция ёрдами кўрсатилиши лозим. Бу «2011-2015 йилларда Ўзбекистон саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўгрисида»ги Дастурда ўз аксини топган. Унда саноат тармогида қиймати 47,5 миллиард долларлик 500 дан зиёд инвестиция дастурини амалга ошириш кўзда тутилган.

Билим ва махорат кўриги

Пойтахтимизда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий харакати, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигида ўтказилаётган «Келажак овози — 2011» Республика кўрик-танловиниг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди

Унда танловнинг дастлабки саралаш босқичидан муваффақиятли ўтган икки минг нафардан зиёд йигит-қиз ўз лойихалари, ижодий ишлари, рационализаторлик таклифлари, дастурий таъминот ва турли сохаларга оид илмий ишланмалари билан иштирок этди.

Танловда ўн беш ёшдан йигирма беш ёшгача бўлган иштирокчилар архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлар ва техник ишланмалар, миллий ва амалий санъат, адабиёт ва публицистика каби номинацияларнинг кўплаб йўналишлари бўйича ўбилим ва махоратини намойиш этди. Қирқ нафардан зиёд ўгилкиз танловнинг республика боскичида иштирок этиш имкониятини кўлга киритди.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»— ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ,

CESHEEF MEETS APEETES!





Манзилли ижтимоий химоя

тизими такомиллашмокда

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Меъёрий-хукукий базани янада такомиллаштириш қарорда белгиланган асосий йўналишлардан биридир, — деди Мехнат ва ахолини ижтимоий мухофаза қилиш вазирининг ўринбосари Шухрат Саидов. — Ахолининг мухтож қатламига тиббийижтимоий ва маиший хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш максадида ривожланган давлатлар тажрибасини чуқур ўрганиб, жахон стандартлари асосида қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш устида иш бошлаб юборилди. «Мурувват» ва «Саховат» уйлари тўгрисида, Уруш ва мехнат фахрийлари санаторийлари тўгрисидаги намунавий низомлар, Уруш ва мехнат фахрийлари Республика пансионати тўгрисида, Ўзгалар парваришига мухтож фукароларга уй шароитида ижтимоий ёрдам кўрсатиш хизмати тўгрисидаги низомлар соха ривожига хизмат килади.

Айни пайтда 6865 нафар пенсионер ва ногиронлар 33 та «Саховат» ва «Мурувват» уйида, 1322 нафар ногирон болалар «Мурувват» уйларида яшамокда. 8034 нафар якка-ёлгизларга уй шароитида хизмат кўрсатилмоқда. Фарғона, Қарши, Тошкент шахарларидаги болалар «Мурувват» уйларининг бинолари замонавий типда қурилди ва таъмирланди. Ногиронларни согломлаштириш ва протезлаш миллий маркази замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жихозланди. Урганч шахридаги ногиронларни реабилитация қилиш ҳудудий маркази янги мослаштирилган бинога ўтказилди. Умуман, бу сохада қилинган ишлар жуда кўп.

Аммо хали олдимизда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар талайгина. Ногиронларнинг харакат воситаларини такомиллаштириш, замонавий протезортопедия махсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, реабилитация масалалари билан шуғулланувчи кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш долзарб вазифалардир.

Юртбошимизнинг юқоридаги қарори асосида бу борадаги ишлар ҳам янги босқичга кўтарилади хамда ёлгиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий химоя қилиш тизими янада такомиллашади.

Давлат архитектура ва курилиш қўмитасига дастурда кўзда тутилган объектларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича сифатли лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, уларни давлат экспертизасидан ўтказиш ҳамда қурилиш-монтаж ишлари сифатли бажарилиши устидан доимий давлат архитектура-қурилиш назоратини олиб бориш вазифалари юкланган, — деди Давлат архитектура ва курилиш кўмитаси раисининг ўринбо-

сари Мухаммад Шодиев. -2011-2015 йилларда 21 та тиббий-ижтимоий муассаса объекти қурилиши ва реконструкция қилиниши учун марказлаштирилган манбалар ҳисобидан 30 миллиард 387 миллион сўм маблаг ажратиш режалаштирилган. Жорий йилда 6 та объект қурилиши ва реконструкция килиниши назарда тутилган. Кўргонтепа туманидаги болалар «Мурувват» уйи худудида 100 ўринли ётокхона, Самарқанд шахридаги «Саховат» уйи биноси, Фарғона шахридаги мурувват болалар уйига 50 ўринли ётоқхона, Олтиариқ туманидаги Уруш ва меҳнат фахрийларининг сихатгохига 100 ўринли ётокхона, Тошкент шахрида 2сонли «Мурувват» болалар уйига 120 ўринли ётокхона куриш, Денов шахридаги «Мурувват» уйини реконструкция қилиш бўйича тегишли ишлар бошлаб юборилди. Уларнинг белгиланган муддатда фойдаланишга топшилиши

хам назоратда турибди. Семинар иштирокчилари кўзда тутилаётган чора-тадбирларни ўз вақтида, масъулият билан ҳамда сифатли бажариш жуда катта ахамиятга эга эканини таъкидлашди. 2011-1015 йилларда ёлгиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий химоя қилишни янада кучайтириш ишлари устидан доимий депутатлик назоратини олиб бориш лозимлигини қайд этишди.

Бехзод ШУКУРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Бурчга бўлган муносабат

ёки хоким депутатлардан, депутатлар эса хокимдан ташаббус кутаётгани хакида

СИЁСАТ

Арнасой туманида 40 мингдан зиёд ахоли истикомат қилади. Сўнгги йилларда туманнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши сезиларли даражада ўсди. Ахоли турмуш фаровонлигини ошириш бўйича қилинаётган ишлар кўлами кенгайди. Бу қувонарли, албатта.

Аммо қўлга киритилаётган ютуқлар билан бирга, туманда ечимини кутаётган муаммолар хам мавжуд. Буни туман хокими ҳам, депутатлар ҳам яхши билишади. Бироқ...

— Халқ депутатлари туман Кенгашига 21 депутат сайланган, — дейди туман хокими, халқ депутатлари туман Кенгаши рахбари Файзулла Салохиддинов. — Улар орасида депутатликни катта масъулият билиб, одамлар ишончини оқлаш учун астойдил ҳаракат қилаётганлари ҳам, аксинча, депутатман, деб номига юрганлар ҳам бор. Туманни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурида белгиланган вазифаларни бажаришда туман Кенгашидаги доимий комиссиялар, сиёсий партияларнинг депутатлик гурухлари фаолиятидан, тўгриси, қониқиш хосил қилмаяпмиз. Улар фаолрок бўлса, ишимизга ёрдами тегадиган таклифлар, ташаббусларни илгари сурса, одамларга кўпрок нафимиз теккан бўларди.

Хоким ҳақ, депутатлар қанча фаол, ташаббускор бўлса, одамларга, жамиятга шунча кўп фойдаси тегади. Лекин амалда ундай бўлмаяпти. Халқ депутатлари туман Кенгашининг ўтган йили тўрт марта, шу йилнинг дастлабки беш ойида эса 3 марта сессияси бўлиб ўтди. Уларда туманнинг ижтимоийиктисодий хаётига доир ўндан зиёд масала мухокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Лекин депутатлар, доимий комиссиялар, сиёсий партияларнинг депутатлик гурухлари ташаббуслар билан чикиш ўрнига аксарият холларда сукут сақлаётгани кишини ажаблантиради.

ЎзЛиДеПдан туман Кенгаши

депутати, Махаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш. иктисодий ислохотларни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси раиси Вали Боймуродов шундай дейди:

— Тўгри, сусткашлик қилаяпмиз, айримларимизда журъат етишмагандай, фидойилик сезилмаётгандай. Аммо кўпгина муаммоларнинг ечими иқтисодга, маблағ масаласига бориб тақалаяпти...

Тўгри, муаммоларнинг аксарияти маблағ билан боғлиқ. Айнан ана шу масалада депутатлар таклифи керак-ку!

Ўтган йили туман марказидаги иктисодиёт касб-хунар коллежини 309 нафар ўқувчи битирган. Хисоботларда уларнинг хаммаси мутахассислиги бўйича иш билан таъминлангани қайд этилган. Амалдачи?..

— Коллежнинг банк иши йўналиши бўйича ўтган йили тамомлагандим, — дейди ўзини Зайниддин Умиров деб таништирган йигит. — Мутахассислигим бўйича иш топишнинг иложи бўлмади. Тенгқурларим орасида мен сингари иш излаб юрганлари оз

Хўш, бу нимадан далолат? Бизнингча, бу холат туманда ёшларни, хусусан, касб-хунар коллежларини тамомлаб чиқаётганларни иш билан таъминлаш, бандликка кўмаклашиш, янги иш ўринлари яратиш борасида хали камчиликлар борлигини кўрсатади. Яна савол туғилади: бу борада депутатлар қандай таклиф ёки ташаббусларни илгари суришаяпти?

Маълумотларда банк иши йўналиши бўйича коллеж дипломини олган Нодир Усмонов билан молия йўналишида ўқиган Собиржон Тўхтаев туман ер ресурслари ва кадастр

хизмати бўлимига ишга жойлашгани айтилган. Суриштирганимизда уларнинг бу ерда ишламаслиги аён бўлди. Бу долзарб муаммога депутатлар нега бефарқ қарашмоқда?

Битирувчиларни ишга жойлаб қўйдик, дея ёлғон ахборот бераётган идоралар фаолияти депутатлик гурухлари томонидан нега назорат қилинмаяпти?

Ўтган йил якуни бўйича туманда 40 та тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатига олиниб, 8 тасининг фаолияти турли сабабларга кўра тўхтатилган. Жорий йилнинг дастлабки тўрт ойида 19 та тадбиркорлик субъекти рўйхатдан ўтган, 7 тасининг фаолияти тугатилган. Бу холатга тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларни химоя қилишни асосий мақсад қилган ЎзЛиДеП туман кенгаши, мазкур партиядан сайланган депутатлар нега хотиржам қарашмоқда?

 Етакчи сифатида янгиман, дейди ЎзЛиДеП туман кенгаши раиси Рахмон Зиёев. — Жуда кўп масалаларда хотиржамликка йўл қўйганимизни хам тан оламиз. Келгусида фаолиятимизни жонлантирамиз, деган умиддаман...

Маълумотларга кўра, ўтган йили туман бўйича 1360 та, шу йилнинг беш ойида эса 577 та янги иш ўрни яратилган. Бир қарашда ёмон кўрсаткич эмасдек. Аммо айрим йўналишлар бўйича янги иш ўринлари ташкил этиш ва ахоли бандлиги Дастурида белгиланган кўрсаткичлар бажарилмасдан қолди. Янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, паррандачиликни йўлга қўйиш, иссикхоналар ташкил этиш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бўйича режалаштирилган янги иш ўринлари яратилгани йўқ.

Хўш, уларни ким қилади, мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш учун ким елиб-югуради? Бу муаммолар лоқайдлик, томошабинлик натижасида пайдо бўлмаяптими? Вази-

ятга чуқурроқ қаралса, қизиқ холатга дуч келинади: ижро хокимияти рахбари депутатлардан, сиёсий партиялардан ташаббус кутмокда, улар эса ижро хокимиятига қараб ўтирибди (?!) Бу сансоларлик эмасми?

Халқ депутатлари туман Кенгаши рахбари депутатлар бошини қовуштириб, талабчанликни оширса, депутатлар, доимий комиссиялар ўз бурчига масъулиятни оширса, депутатлик гурухлари ижроия хокимияти фаолиятини назорат қилса, фойдали ташаббусларни ўртага ташласа, уларнинг бажарилиши учун курашса, кўп муаммолар ечим топишига шуб-

ЎзЛиДеПдан депутат, маҳаллий Кенгаш рахбари Ф. Салохиддинов депутатларни туманнинг ижтимоий-иктисодий ривожлантириш ишларига сафарбар этиш масаласи хусусида чуқурроқ ўйлаб кўриши зарур, деб хисоблаймиз.

Янги иш ўринлари ташкил этиш ва ахоли бандлигини таъминлаш, жойларда ижтимоий ислохотлар самарадорлигини ошириш ЎзХДП Сайловолди дастуридан алохида ўрин олган масалалардир. Аммо ЎзХДП туман кенгаши, депутатлик гурухи мазкур масалаларда жиддий ташаббус билан чиққани йўқ. Партия Марказий Кенгаши вилоят, туман партия кенгашлари, депутатлик гурухларига аниқ тавсиялар берганига қарамай, бу борада фаоллик сезилмаяпти. Ёки улар туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боглик долзарб масалаларни кимдир келиб ҳал қилиб беришини кутишаяптими?

Мамлакатимиз Президенти томонидан илгари сурилган Концепцияда белгиланган вазифалар сиёсий партиялар ва депутатлик гурухларидан, энг аввало, эскича ишлашдан воз кечишни, янги вазифаларга янгича ёндашишни талаб этади.

Иброхим ЖОНУЗОКОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Карор ва ижро

Уй-жой ширкатлари: юксак самаралар

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— 1999 йил Ўзбекистонда кўп каватли уйларни давлат тасарруфидан чиқаришнинг биринчи боскичида уй-жой мулкдорлари ширкатлари ташкил этилиб, хар бирининг таркибига 80 тагача уй киритилди, — дейди «Ўзкоммунхизмат» агентлиги матбуот хизмати рахбари Наталья Вишневская. — Бунда ширкат қанча йирик бўлса, унинг имкониятлари хам шунчалик катта бўлади, деб хисобланди. Аммо амалиёт кичик ширкатлар кўп жихатдан афзалликка эга эканини кўрсатди. Улар одамларнинг мана шу уйжой уларнинг умумий мулки эканини, бинобарин, унинг ахволи, унда яшаш шарт-шароитларининг яхшиланиши уларнинг ўзига хам боглиқ эканини англаб етишида мухим роль ўйнайди. Бу эса, ўз навбатида, мулкдорлар томонидан турли ташаббуслар кўрсатилишида мухим омил бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 февралда қабул қилинган «Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл кўймаслик хамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ хисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўгрисида»ги хамда 2006 йил 25 июлда қабул қилинган «1991 йилгача қурилган кўп хонадонли турар жой биноларининг умумфойдаланадиган жойлари ва мухандислик коммуникациялари капитал таъмирланишини якунлаш чора-тадбирлари тўгрисида»ги қарорлари хамда 2006-2007 йилларда хукуматимиз томонидан қабул қилинган бошка хужжатлар сохадаги ислохотларни янада чукурлаштиришга хизмат қилмоқда. Бу хужжатлар йирик УМШларни кичиклаштириш ва кичик ширкатларни ташкил этиш учун асос бўлди. Натижада УМШлар сони 2010 йилдаги 4846 ўрнига 5053 тага кўпайди. Бугунги кунда мамлакатимизда битта ширкат ўртача 6 уйга хизмат кўрсатмокда.

Ислохотларнинг муваффакиятли амалга оширилиши давлат

хокимиятининг барча тузилмалари, фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нотижорат ташкилотлар ҳамда бу жараёнда фаол иштирок этадиган фукароларнинг якин хамкорлиги ва хамжиҳатлигига боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2006 йил 12 апрелдаги «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатларини янада ривожлантириш ва турар жойларга хизматлар кўрсатишнинг аник бозорини шакллантириш чора-тадбирлари тўгрисида»ги карори соха оллига кўйилган долзарб вазифалар ижросини таъминлашда мухим омил бўлмокда.

Мамлакатимизда намунали ширкатлар кўп. Бироқ кўп хонадонли уйлардаги лифтлар йиллаб ишламаётгани, йўлакларнинг факат биринчи каватигина таъмирланаётгани, томдан чакки ўтиши, совук сув факат учинчи қаватгача кўтарилаётгани, иситиш тизими ёмон ишлаётгани, ертўлаларда эски қувурлардан сув оқиб ётиши, уй-жой массивлари олдидаги дарахтларга шакл ва ишлов берилмаётгани, ховлилардаги ўриндикларнинг синиб кетгани, болалар майдончалари йўқлигига эътибор бермайдиган ва ахолининг мурожаатларини қаноатлантирмайдиган ширкатлар ҳам йўқ эмас.

Лекин амалиёт шуни кўрсатадики, УМШнинг муваффақиятли фаолият юритиши нафакат маҳаллий давлат бошқарув органлари ёки уддабурон раисга, балки фукароларнинг ташаббускорлиги, фаол иштироки, ўзлари яшаётган уйнинг обод, озода ва ҳар томонлама қулай бўлиши учун интилишига хам богликдир. Шу мақсадда пойтахтимизда муваффақиятли фаолият кўрсатаётган ширкатлардан бири — Чилонзор тумани Навбахор махалласида жойлашган «Чин Бахт Сервис» уй-жой мулкдорлари ширкатида бўлдик. Бу ширкат ёнма-ён жойлашган икки тўққиз қаватли уй базасида ташкил қилинган. Бу ерда истикомат қилаётган ахолининг ширкат ишларига кенг жалб этилгани ва фаол иштирок этаётгани, шунингдек, унинг раиси қўллаб-қувватланаётгани туфайли Тошкентдаги энг намунали ширкатлардан бирига айланди.

— Бу уйлар 2000 йилда қурилганига қарамай, кўплаб муаммолар мавжуд эди, — дейди ширкат раиси Роза Дубовихина. — Илгари уйимиз йирик ширкатга қарашли эди. Бадалларни оймаой тўласак-да, унинг самарасини кўрмас эдик. Болаларимизнинг ўйнаши учун жой йўқлиги сабабли улар подъездларда ўйнарди. Атрофда турли қоғозлар, писта ва тамаки колдиклари сочилиб ётарди. УМШ ишидан норози бўлган ахоли мустақил ширкат тузишга қарор қилди. Туман хокимлиги мутасаддилари ташкилий масалалар юзасидан маслахат берди, рўйхатдан ўтиш учун зарур хужжатларни тайёрладик. Мустақил бўлгач, уйлар атрофидаги худудлар ободонлаштирилди, дарахтлар экилди, майсазор барпо этилди. Бугун уйимиз олдидаги худудни кўрган кишининг бахри-дили очилади. Болалар майдончасини ободонлаштиришда ҳамма фаол ишти-

- Илгари уйимиз атрофида чикит ва эски-туски нарсалар уйилиб ётарди, — дейди 38-уйда истикомат килувчи Розигул Жалилова. — Уларни ўз кучимиз билан олиб ташладик ва худудларни тозаладик. Туман ҳокимлиги контейнер қўйиладиган чиқинди тўплаш майдончасини қуришда ёрдам берди, футбол майдончаси ҳам жиҳозланди. Илгари уйимизнинг ертўласига тушишга қўрқардик, негаки, у ерда ҳар доим сув, чикит тўпланиб ётарди, тешилган қувурлар ҳар хил нарсалар билан «ямалган» ва жудаям қоронғи эди. Хозир катта ертўла тозаланиб, электр ўтказилди, пластик қувурлар ўрнатил-

Одамларнинг фикрича, «Чин Бахт Сервис» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг энг катта ютуғи — бу уларнинг ўз уйининг ахволини яхшилаш учун бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилаётганидир. Бу ерда яшайдиган ҳар бир одам умумий иш учун дахлдорлигини хис



қилади. Тўловларнинг деярли 100 фоиз тўпланаётгани хам уларнинг ўзлари истикомат килаётган уйга муносабати ўзгарганидан далолат беради. 38- ва 39-уйларда истикомат килувчи ахоли бошқарув ишларида фаол иштирок этмокда. Масалан, подъездлар, лифтлар ва атрофдаги худудларни тозалашда барча иштирок этиши шарт. Бунинг учун навбатчилик жадвали тузилиб, ҳар бир подъезд эшигига осиб күйилган.

Дастлаб, ширкат таркибига директор, бухгалтер, сантехник, электрик, фаррош, лифтчи кирарди ва тўпланадиган барча бадал уларга иш ҳақи тўлашга кетарди. Одамлар штатлар қисқартирилса, маблағни тежаш мумкинлигини тушунди. Хозир ширкат раиси жамоатчилик асосида

ишламокда, турли ишларни бажарувчиларни эса қўшниларнинг тавсиясига биноан ишга таклиф қилади. Бироқ бугун ширкат бошқаруви уйларга хизмат кўрсатишни тажрибали бошқарув ташкилотига бериш хақидаги масалани кўриб чикмокда. Ширкатларнинг нисбатан их-

чамлаштирилиши УМШга хизмат кўрсатиш бўйича тажрибали бошқарув ташкилотларини ташкил этишни тақозо этди. Шундай қилиб, уй-жой соҳасида янги бозор муносабатларига асос солинди. Бу мамлакатимиз коммунал хизматлар бозорида 320 бошқарув компания ва 283 сервис ташкилотининг ташкил этилишига олиб келди. Уларни тузишдан кўзланган мақсад ушбу сохада амалга оширилаётган ишлар сифати ва даражасини ошириш. кўп

хонадонли уйларнинг техник ахволини яхшилаш хамда саклашдан иборат. Хизмат кўрсатувчи ташкилотларга ширкатларнинг ишончи йил сайин ортиб бораётир, уларнинг ўзаро хамкорлиги шартнома асосида амалга оширилмокда. УМШ хизматлар буюртмачиси, бошқарув ташкилоти эса уларни бажарувчи хисобланади.

Кўп хонадонли уйлар мулкдорларини, авваламбор, кўрсатилаётган хизматлар сифати ва бошқарув ташкилотлари молиявий фаолиятининг тўлиқ очиқлиги ўзига жалб қилади. Шу ўринда, нима учун одамлар катта ширкатлар ишидан норози, деган савол туғилади. Чунки, уларнинг пули қаерга ва нима учун сарфланаётгани, қандай ишлар бажарилаётгани ва бадаллар қандай тўпланишини билишмайди. Бошқарув компаниясида эса хизматлар нархи олдиндан келишилади, хар бир уй учун алохида хисоб-китоб юритилади. Бошқарув ташкилоти хар чоракда бир марта ширкат бошкарувига бажарилган ишлар хусусида хисобот беради. Бундан ташқари, бошқарув аъзолари истаган пайтида ўзи яшаб турган уйга кўрсатилаётган хизматлар бўйича очиқ ахборот олиши мумкин.

Тажрибали бошқарув ташкилоти ва УМШ ўртасида самарали хамкорликни ташкил этишда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ассоциацияси яқиндан ёрдам бермокда. Улар 2002 йилда ташкил этилган бўлиб, бугун ширкатларга ёрдам кўрсатадиган

асосий марказ хисобланади. 2006 йилда Уй-жой кодексига ўзгартишлар киритилиши муносабати билан хонадон эгалари кўп хонадонли турар жойнинг умумий мулкини юридик шахс ташкил этмасдан бошқариш хукукига эга бўлди. Бу хонадонлари кам уйлар учун жуда қулай. Мамлакатимизнинг қатор худудларида УМШни ташкил этиш зарурати бўлмаган 12 ва 24 хонадонли уйлар бор. Одамлар бундай уйларни бахамжихат бошқариши, ваколатли шахсни сайлаши, таъмирлаш ишларини ўтказиш учун пул тўплаши, бундай ишларни бажарувчиларни

ўзлари ёллаши мумкин. Ахборот-маърифат ишлари уй-

жой-коммунал сохасидаги ислохотларнинг мухим таркибий қисми хисобланади. «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг ўкув марказида ширкатлар раислари, уйжой фондидан техник фойдаланиш бўйича ишчилар ўқитилмоқда. Ширкатлар бошқарувидан тасодифан келиб қолган ва тажрибасиз шахсларни четлаштириш мақсадида рахбарлар таркиби қайта кўриб чиқилди. Бундан ташқари, агентлик мутахассислари ахолининг кўп хонадонли уйларни сақлаш ва капитал таъмирлашдан манфаатдорлигини ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўгрисида»ги қонуни асосларини тушунтириш учун хусусий уй-жой мулкдорлари умумий йигилишларида иштирок этмокда. Бу биттадан бештагача уйга хизмат кўрсатадиган кичик УМШлар сонининг кўпайишига ёрдам бермокда. Ширкатларни ихчамлаштириш

жараёни бундан буён ҳам уй-жой мулкдорларининг ташаббуси билан давом эттирилади. Бунинг учун янги ташкил килинаётган УМШларни рўйхатга олиш тизими соддалаштирилди ва энди бу иш барча зарур хужжатлар топширилгандан сўнг 10 кун ичида амалга оширилади. Мамлакатимизда коммунал хизмат кўрсатиш тизимини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш, уй-жой фондини хисобга олиш приборлари билан таъминлаш бўйича изчил ишлар бажарилмокда. Бу борадаги ишлар жорий йилда ҳам давом эттирилади.

Ушбу сохада келгусида амалга оширилиши белгиланган чоратадбирлар ахолига коммунал хизмат кўрсатиш сифатини, кўп хонадонли уй-жой фондининг техник ахволини ва атрофдаги худудларни янада яхшилаш имконини беради. Бирок ишлар самарадорлиги биз, шу уйларда яшовчиларга хам боглиқ эканлигини унутмаслигимиз даркор.

Алесия ВОЯКИНА, ЎзА мухбири.



Навоий — Учкудук — Султон Увайстоғ — Нукус темир йўлидан ўтган дастлабки йўловчи поездида сафар қилган. шу тизимда 40 йил ишлаган мехнат фахрийси айтган гап ёдимда: «Шўролар даврида Термиз якинидаги 114 километр масофадаги темир йўл тўққиз йил деганда зўрга қуриб битказилган эди. Бунинг устига, қурилишни бошлашга рухсат олиш ва тегишли маблаг ажратилишига эришиш учун махаллий рахбарлар йиллаб Москвага катнаган. Шунинг учун ҳам бугун мазкур янги темир йўлнинг ишга туширилишини мустақиллигимизнинг меваси, Юртбошимизнинг узокни кўзлаб эзгу ниятлар билан қўл урган ишларининг хайрли натижаси деб биламан».

Янги темир йўлнинг ахамияти галла ва нефть мустақиллигига қиёсланиши бежиз эмас. Мазкур йўналиш бўйича харакатланувчи поездларнинг чегарадош мамлакат худудини четлаб ўтиши туфайли қўшни давлат орқали юк ташиш учун тўланадиган валюта маблағлари тежалмоқда. Юртимизнинг корхоналарида ишлаб чикарилган кимёвий ва минерал ўгитлар, қурилиш махсулотларини жойларга етказиш чогила қўшни мамлакат худудидан олиб ўтиш билан боғлиқ вақтни оладиган ортиқча расмиятчиликлар хам бархам топди.

МУСТАКИЛЛИК КЎПРИКЛАРИ

Ягона миллий темир йўл транспорт тизимини яратиш дастуридан ўрин олган яна бир иншоот юқоридаги лойиханинг узвий қисми — Амударё узра бунёд этилган муаззам кўприкдир. Юртбошимиз ташаббуси билан киска муддатда курилиб. 2004 йилнинг 12 мартида фойдаланишга топширилган бу мухандислик иншооти Қорақалпоғистон ва Хоразм диёрини пойтахтимиз Тошкент шахри ва бошқа худудлар билан боглашда мухим стратегик ахамиятга

Жайхун ўз номи билан асов дарё, киш изгирини, ёз жазирамасида дарёни кечиб, сув оқимини бирор дақиқа тўхтатмасдан бу махобатли кўприкни қуриш осон бўлмади. Уни ўз кучи, салохияти ва махоратига таянган ўзимизнинг темирйўлчи мутахассисларимиз барпо этди. Буни иншоот ишга туширилиши маросимида Юртбошимиз алохида фахр-ифтихор билан таъкидлади.

Узунлиги 681 метрни ташкил этган замонавий иншоот Урганч — Тошкент йўналишидаги поездларнинг йўлда юриш вактини 5,5 соатга, масофани 300 километрга қисқартириш, илгари транзит учун ҳар йили тўланадиган миллионлаб АКШ долларини тежаш имконини берди. Шунингдек, мамлакатимиз шимолий минтакасидаги бой ер ости табиий захираларини ўзлаштириш, янги иш ўринлари ташкил этиш, бу ерда истикомат қилаётган одамларнинг хаётини обод, турмушини фаровон қилишда мустахкам пойдевор бўлиб хизмат килаётир.

Унинг ижобий самарасини вохадаги хўжалик ва ташкилотлар, хар бир оила ўз хаёти мисолида яккол хис қилиб келмоқда. Бугун бу кўприк оркали турли йўналишларда давлатлараро ва махаллий йўловчи поездлар қатнови тинмай-

Истиклолнинг 20 йиллиги арафасида Буюк ипак йўлида сайёхликни ривожлантириш дастури доирасида бу

1991 — 2011 йилларда «Ўзбекистон темир йўллари»

Сари Огоч — Тошкент — 1 та (2001);

Ховос — Бекобод — 1 та (1993);

Жетисой — **Жиззах** — 2 та (1991);

Қўқон — Марғилон — 6 та (1997);

Навоий — **Чоржўй** — 1 та (1995);

Жайрон — **Кенсой** — 2 та (1998);

Бузоубой — Мискин — 1 та (1997);

Истиклол — Мискин — 3 та (2004);

Тўрткўл — Қораўзак — 9 та (1998).

Мискин — Элликқалъа — 16 та (1994);

Тошкент — Мехнат — 5 та (2005-2008);

Тўқимачи— Ангрен— 4 та (2006-2008);

компанияси томонидан жами 90 та кўприк барпо этилди:

Тошгузар — Дехконобод — 12 та (2004-2007);

 $\mathbf{Д}$ еҳқонобод — Окработ — 8 та (2007-2009);

Оқработ — Тангимуш — 19 та (2005-2007);

йўналишда икки қадимий шахар Бухоро ва Хивани богловчи тезюрар йўловчи поезди қатнови йўлга кўйилди.

истиклол имкониятлари

Юртбошимизнинг: «Кўприк ишга тушиши билан олдимизда турган кўп огир муаммоларни ечиш, шу оркали катта маблагларни тежаш, истикболимизни кўриш имкони тугилади», деган орзуси амалда ўз ифодасини топди. Воха иктисодиёти ва халк хўжалигига зарур юклар вақтида етказиб келинмокда. Ўз навбатида бу ерда ишлаб чиқарилган махсулотлар ҳам тегишли манзилга қисқа муддатда етказиб берилмокда.

Юртбошимиз Хоразм вилояти худудида Амударё узра қурилган кўприкнинг тантанали очилиш маросимида катта ҳарфлар билан ёзиб қўйилган «Биз хеч кимдан кам эмасмиз, биз хеч кимдан кам бўлмаймиз хам» деган шиорга алохида эътибор қаратди. Буни кўпчилик яхши эслайди. Ха, бугун амалга оширилаётган тарихий ишларимизни кўз ўнгимизга келтириб, чуқурроқ ўйлаб кўрсак, биз кимдан каммиз? ХЕЧ КИМДАН!

ЎЗБЕКИСТОН ВАГОНЛАРИ

Президентимиз Тошкент — Марказий темир йўл вокзалига ташриф буюрган чоғида қатнови йўлга қўйилиши мўлжалланган «Регистон» поездини кўздан кечириб, унга «Мерседес»никига ўхшаган ўриндиклар ўрнатиш зарурлигини, бизнинг одамларимиз хам энг зўр поездларда юриши кераклигини алохида таъкидлаган эди. Ана шу орзу-ниятнинг ўзида хам хеч кимдан кам бўлмаслик, халкимизга муносиб шароит яратиб бериш, энг илгор мамлакатларда бўлганидек, бизнинг одамлар хам замонавий поездларда юришини таъминлаш учун қайғуриш мужассам эди.

Узбекистон хукумати билан Япониянинг Ташқи иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси ўртасида 1996 йили кредит битими имзоланганда ҳам ана шу мақсадлар кўзда тутилгани, шубхасиз. 1998 йили эълон қилинган тендерда «Марубени» корпорацияси бош пудратчи этиб тайинланди. Илгари бу завод ўрнида вагонларни депо даражасида таъмирлайдиган муъжазгина корхона бўлар эди. Мазкур корхонани замонавийлаштириб, йўловчи вагонларни таъмирлаш заводига айлантириш мақсадида Япониядан 6,102 миллиард иен микдорида кредит олинди. Ахдлашув самарасига кўра, XXI аср бошига келиб, айни Наврўз арафасида бу корхона фойдаланишга топширил-

Завод ишга тушган 2001 йили «Ўзбекистон яна бир сохада импортчидан экспортчига айланди»,

дея эътироф этилган эди. Бугунга келиб, завод мустақил равишда жахон андозаларидаги кўркам ва замонавий вагонларни чиқаришни ўзлаштириб улгурди ва халқаро сертификатлар эгаси бўлди. Бу ерда Германия, Япония, Нидерландия, Польша, Буюк Британия, Финляндия ва Канада сингари илгор давлатлардан келтирилган замонавий ускуналарнинг барчаси юқори технологияларга асосланган холда ишлатилиб, нафакат ўзимиз, балки буюртмачи бошқа давлатлар учун ҳам энг замонавий йўловчи вагонлари ишлаб чикарилмокда.

йўловчи вагон модернизациялаштирилди. ТЕМИР ЙЎЛЛАР УММОНЛАРГА ЭЛТАДИ Истиклол йилларида қурилган яна

бир йирик иншоот бу — Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги арафасида ишга туширилган «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўл линияси бўлди. Диёримиз тарихида оламшумул ахамият касб этган мазкур иншоот мамлакатимизда ягона миллий темир йўл тизимини яратишнинг навбатдаги мухим боскичидир.

Мустақиллик йилларида

қурилди. 200 тадан зиёд

23 та йўловчи вагони

компания томонидан жами

Президентимизнинг «Тошгузар — Бойсун — Қумқўргон» янги темир йўлини бунёд этищдан кўзлаган мақсади мамлакатимиз транспорт коммуникацияларини, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларини иктисодий-ижтимоий ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш, табиий ер ости бойликлари конларини ўзлаштириш лойихалари амалга оширилишини жадаллаштириш, республикамиз жанубий минтакаларининг ижтимоий инфратузилмасини равнақ топтиришдан

Бироқ бу орзу-ниятни амалга оши-

да обод бўлишида бу мухим коммуникация воситаси катта рол ўйнамокда. Янги темир йўл туфайли юк ва йўловчи ташиш 170 километрга қисқарди. Бу, шак-шубхасиз, миллий иктисодиётимизда транспорт тармоги ишининг самарадорлигини кескин оширди. Тоғ-кон саноати ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида юзага келган ижобий ўзгаришлар хисобига тегишли минтақаларнинг ишлаб чиқариш

қуввати изчил ривожланмоқда. Темир йўл транспорти тизимида, унинг корхона ва ташкилотларида эса янги иш ўринлари очиш имкони юзага келди. Хорижий сармоядорлар мазкур йўл якинида илгари излаб топилган фойдали қазилма конларни ўзлаштириш мақсадида корхоналар бунёд этмоқ-

Бунинг барчаси янги темир йўлнинг самараларини, аввало, мазкур худудлардаги ҳар бир оила, ҳар бир инсон ўз хаёти мисолида яққол хис этишини таъминламокда. Яна бир мухим жихати, юртдошларимиз узоғи яқин, огири енгил бўлди.

Тошкентдан кеч оқшом йўлга чиққан поезд тонг сахар Каршида, сал ўтиб Дехконободда, чошгохда энг баланд чўққи — Оқработда бўлади ва кўп ўтмай Термизга етиб боради. Бекатлар номларини қаранг, улар мозийнинг гўзал мумтоз қўшиғини эслатади: Чашмаи Хафизон, Карадахна, Сайроб, Шўроб, Дарбанд, Бойсун,

Пулхаким, Қумқўргон... ...Поезд, албатта, бу жойлардан ба-

1996 йил

▶ 19 июль. «ЎзДЭУавто» ишга туширилиб, Ўзбекистонда автомобилсозлик саноатига асос солиниши муносабати билан автомобилларни ташиш учун икки қаватли платформаларни жихозлаш ва таъмирлаш ўзлаштирилди.

1997 йил 1 август. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ишга туширилиши муносабати билан Қоровулбозор станциясида «Б» саройи ва 14 та қабул қилиш ва жўнатиш йўлларини ўз ичига олган мажмуа станция билан туташтирилди ва марказлашган автоблокировка тизими ўрнатилди.

«Ўзтемирйўлмаштаъмир» корхонасида ВЛ80С электровозларини таъмирлаш, минерал ўгит ташувчи хоппер-вагонларни таъмирлаш ва модернизациялаш йўлга қўйилди.

» «Ўзбекистон темир йўлларини реконструкциялаш» лойихасини амалга оши-

19 август. «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК билан «Марубени корпорейшн» (Япония) ўртасида Тошкентда йўловчи вагонларни таъмирлаш заводини куриш хакидаги шартнома имзоланди.

риш осон эмасди. Денгиз сатхидан 1800 метр баландликдаги Хисор тог тизмалари узра пўлат излар ётқизиш vчvн 48 та ноёб кўприк, 564 та сунъий иншоот куриш лозим эди.

— Чамаси, 1989 йилнинг боши эди. Уша пайтда вилоятимизнинг рахбари бўлган Ислом Абдуғаниевич ҳамма туман рахбарларини йигдилар. — деб хотирлайди «Нуроний» жамғармаси Қашқадарё вилоят бўлими раиси Январ ака Иноятов. — Туманларни ичимлик суви ва газ билан таъминлаш масаласи жуда каттик күйилди. Режадан ташқари ҳар бир туманга қўшимча вазифалар юклатилди. Хамма туман айтилди-ю, мен рахбарлик қилаётган Дехконобод гапирилмади. Шунда ўрнимдан туриб, «илтимос, мутасадди ташкилотлар бизнинг туманга ҳам газ ўтказиш йўлларини қидиришса», дедим. Шу пайт орқада ўтирганлардан бири: «Бу ҳали паровоз ҳам сўрайди», деб пичинг килди. Тўгриси. Каршидан 60 километр наридаги Дехконободга тогдан ошириб газ қувури тортиб келиш-

нинг ўзи оғир масала эди. Қаранг, мустақиллик йилларида қандай ишлар амалга оширилди. Ўша пайтда Дехконободдан темир йўл ўтади, деса ким ишонарди бу гапга. Менимча, бундай улуг режалар ўша пайтларда Президентимизнинг кўнгилларидан ўтган бўлса керак...

Ха, афсона хақиқатга айланди. Узунлиги 223 километрни ташкил этган темир йўл линияси эндиликда наинки Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларини, балки бу вохани пойтахтимиз ва юртимизнинг бошқа худудлари билан бевосита чамбарчас боғлаб турибди.

Йўл ўтган манзил тараққиёт, юксалиш сари юз буради. «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўли бўйида ястанган кенг худудларнинг ривожланишида, шу заминда истикомат қилувчи кишиларнинг ҳаёти яналанд тоглар оралаб ўтади. Дарбандда ҳам тўхтайди. Бу макон ҳақида тарихий манбаларда жуда кўп ёзилган. Бойсундан ғарб томонда Саримас тоғ тизмасида жойлашган мазкур тор дара

«Темир дарвоза» номи билан машхур. Бобомиз Сохибкирон Амир Темур салтанатида мухим стратегик объект хисобланган. Бу йўлдан Имом Бухорий, Алишер Навоий, Захириддин Мухаммад Бобур каби буюк аждодларимиз ўтган. Ўз хамрохлари билан Испания элчиси Клавихо 1403 йилнинг 24 августида айнан шу йўлдан ўтиб, Самарқандда, Амир Темур саройида хозир бўлган.

2007 йил 24 августда эса бу ердан биринчи поезд ўтди. «Тошгузар — Бойсун — Кумкўргон» темир йўлининг тарихий ахамияти шундаки, у факат **Узбекистон учун эмас, балки минта**камиз тараккиётида, колаверса, неча асрлар мобайнида Шарқ билан Ғарбни боглаб турган қадимий Буюк ипак йўлини қайта тиклашда мухим ахамиятга эга.

Бугунги иқтисодий глобаллашув даврида бу темир йўл тизимининг ишга туширилиши, бир томондан, Ўзбекистон ва Евроосиё мамлакатлари ўртасида юк ташишнинг анча арзон нархларда Афгонистон орқали экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш имконини берса, иккинчи томондан, Трансафғон йўлагининг очилиши «Тошгузар — Бойсун — Қумқўргон» темир йўл йўналишида юк ташиш хажмининг янада ортишига олиб келади. Янги темир йўл тизими қўшни мамлакатлар билан ташқи иқтисодий алоқаларни жадаллаштириш хамда Афгонистон ва Эрон орқали Форс кўрфази портларига чикиш имкониятини хам яратади.

> Сувонқул РУСТАМОВ, журналист.

(Давоми келгуси сонда.)

Халқаро рейтинг агентликларининг эътирофига сазовор бўлиш ва уни сақлаб қолиш нафақат банк сектори, балки бутун мамлакат иқтисодиёти, халқаро молиявий-иктисодий тизимга муваффақиятли кириб боришининг долзарб ва мухим шартидир.



«Ўзмиллийбанк»:

Молия бозорида ўз мавкеини мустахкамламоқда

<u> </u>Узбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки «Moody's Investors Service» ва «Standard and Poor's» каби етакчи халкаро рейтинг агентликлари берган рейтинглар даражасини дадил саклаб турибди. Чунончи «Moody's Investors Service» агентлиги «Ўзмиллийбанк»нинг мамлакат банкмолия хизматлари бозорида етакчилик килаётганини хисобга олиб. глобал шкала бўйича унга бир неча маротаба рейтинглар берди ва илгари берилганларини қуйидаги даражаларда тасдиклади:

— банкнинг молиявий баркарорлиги рейтинги — (BFSR) E+;

— миллий валютадаги депозитлар бўйича узоқ ва қисқа муддатли рейтинглар — Ва3/NР:

- хорижий валютадаги депозитлар бўйича узоқ ва қисқа муддатли рейтинглар — В2/NР

Барча рейтинглар «барқарор» прогнозига эга. Агентлик тахлилчиларининг фик-

рича, «...банкнинг молиявий барқарорлик рейтинги унинг Ўзбекистонга хорижий инвестицияларни жалб этиш ва жамлашда, хорижий савдо операциялари бўйича хизмат кўрсатишда пешқадамлик қилаётганини кўрсатади». Мамлакатимизнинг энг йирик бан-

ки хисобланган «Ўзмиллийбанк» улкан ресурс базасига эга. Ушбу база бутун Ўзбекистон банк тизими жами активларининг 28,8 фоизини хамда жами сармоянинг 26,7 фоизини ўз ичига олади.

Банк баланси ҳажми 2011 йилнинг 1-чораги якунларига кўра, миллий валюта эквивалентида 9,63 трлн. сўмни, банк сармояси эса 785 млрд. сўмни ташкил этди.

Кредит портфелининг хажми 3,859 трлн. сўмни ташкил қилди. Кредит портфелининг асосий улуши узок муддатли кредитларга тўгри келади. Уларнинг киёсий салмоги 80,6 фоизини ташкил этмоқ-

Миллий банк мамлакатимиздаги асосий операцияларни амалга оширади. У республикамизнинг бутун худудида жойлашган 90дан ортиқ бўлим ва филиалларга, 110дан зиёд мини-банклар ва ихтисослаштирилган кассаларга эга. Шунингдек, банкнинг Россияда «Азия-инвест» шуъба банки мавжуд бўлиб, у Россия Федерацияси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ташқи савдо операцияларини амалга оши-

Эътиборлиси «Moody's» агентлиги ўз хисоботларида бир неча маротаба таъкидлаганидек, «Ўзмиллийбанк» ички банк тизимида мухим ўрин эгаллаган. «...У Ўзбекистон хукуматининг иктисодий сиёсатини амалга оширишда хукумат агенти вазифасини бажармокда. Бунинг учун банк мамлакатга хорижий инвестицияларни жалб этиш ва кейин уларни корпоратив қарз олувчиларга кайта йўналтириш билан шуғулланаяпти. Бундай қарз олувчиларнинг аксарияти давлат корхоналари бўлиб, уларнинг инвестиция лойихалари хукумат учун устувор ахамиятга эга».

«Ўзмиллийбанк»нинг банк хизматлари бозорида етакчилик килаётгани, барқарор ривожланаётгани, депозит базаси тўхтовсиз ўсаётгани, хорижий кредит йўналишларини кенг жалб қилаётгани мамлакатимиз иқтисодиётининг амалда барча тармоқларига мансуб инвестиция лойихаларини молиялашда фаол ёрдам бераяпти. Нефть хамда металларни қазиб олиш ва қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, кимё ва минерал ўгитлар ишлаб чиқариш, тўқимачилик саноати, кишлок хўжалиги махсулотларини кайта ишлаш. сайёхлик. хаво ва темир йўл транспорти, алоқа, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш билан боглиқ бўлган, шунингдек, Ўзбекистон иктисодиётининг янги киёфасини шакллантирувчи бошқа кўплаб лойихалар шулар жумласидандир.

1991 йилдан бошлаб хозирги кунгача Миллий банк томонидан умумий қиймати 6,91 млрд. АҚШ доллари бўлган 217 та лойиха молиялаштирилди.

Миллий банк такдим этаётган кредитлар иктисодиётнинг устувор тармокларини ривожлантиришга, ишлаб турган корхоналарни модернизациялаш ва янги юқори самарали ишлаб чиқаришларни жорий этиш чора-тадбирларини белгилаш кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, импорт ўрнини босувчи истеъмол моллари махаллий хомашё ресурсларини қайта ишлаш асосида ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш ва ривож-

лантиришга йўналтирилган. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки фаолиятининг ижобий кўрсаткичлари, унинг банк-молия хизматлари бозоридаги пешкадамлик мавкеи яна бир йирик халқаро рейтинг агентлиги — «Standard & Poor's» томонидан ҳам эътироф этилди.

«Standard & Poor's» кредит рейтинглари хизмати «Ўзмиллийбанк»ка илгари берилган узоқ ва қисқа муддатли кредит рейтингларини В/ В даражасида «барқарор» прогнози билан тасдиклади.

Агентликнинг мезонларига мувофик, «Standard & Poor's» давлат томонидан «Ўзмиллийбанкка» кўрсатилаётган ёрдамни «гоят юксак даражада» (extremely high) деб бахоламокда. Бу бахо қуйидаги хулосаларга асосланган:

 банкнинг миллий иктисодиётдаги мислсиз мухим ахамиятга эга-

 «давлат билан «жуда кучли» алоқадорлик»

Эришилган ижтимоий-иктисодий баркарорлик, амалга оширилаётган комплекс ислохотлар, қулай инвестиция мухитини шакллантириш борасида юритилаётган самарали сиёсат йирик хорижий инвесторлар томонидан республика иқтисодиётига катта қизиқиш билдирилаётганининг мухим омиллари хисобланади ва бу омиллар халқаро рейтинг агентликларининг мамлакат банк бозоридаги фаолияти ўсишига хам сабаб бўлмокда.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки кредит рейтингларини сақлаб туриш ҳамда уларни янада ошириш истикболларини аниклаш борасида фаол иш олиб бормокда. «Moody's Investors Service» ва «Standard & Poor's» каби етакчи халқаро агентликларнинг глобал шкала бўйича тасдикланган рейтинг бахолари хам шундан далолат бермокда. Бу эса, мустақил халқаро экспертлар берган муносиб баходир.

«Ўзмиллийбанк» матбуот хизмати t

ВНИМАНИЮ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

«ЦКБ №1 МСО при Минздраве Республики Узбекистан» ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ

По объекту: «Восстановительные работы корпуса водолечебницы Центральной клинической больницы №1 в городе Ташкенте».

Стартовая стоимость заказчика: – 687 411,64 сума с учетом НДС, 572 843 033 сума без учета НДС Срок завершения строительства до 31 декабря 2011 года.

Заказчик: «ЦКБ №1 при Минздраве Республики Узбекистан». Финансирование осуществляется за счет бюджетных средств.

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов, должны соответствовать следующим условиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств; производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение дого-

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников, конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга - 000 «Экспертлойихаконсалтинг» по адресу: г. Ташкент, ул. Навои, 22.

Стоимость одного комплекта документов

 сто тысяч сумов. Оферты принимаются организато-

ром торгов по адресу: г. Ташкент, ул. Навои, 22, тел. 8

(371) 241-37-50, (+99897) 715-81-80 Крайний срок предоставления оферт организатору торгов - ко дню и часу вскрытия

оферт по ниже указанному адресу: г. Ташкент, ул. Навои, 22. Вскрытие оферт состоится не менее

чем через 30 дней после опубликования объявления в здании по адресу: г. Ташкент, ул. С.Азимова 65.

Лондонда ўзбек курашининг байрами

Буюк Британия пойтахти Лондон шахрида Ўзбекистон Президенти, Кураш халқаро ассоциацияси Фахрий Президенти Ислом Каримов халқаро турнири ўтказилди.

Тўққизинчи бор ташкил этилган ушбу турнир биринчи марта очиқ майдонда — Англиянинг энг хашаматли «Лондон Соккер Доум» стадионида уюштирилди. Унда 10 дан зиёд мамлакатдан келган 200 нафардан ортиқ курашчи қатнашди. Турнирнинг тантанали очилиши маросимида ўзбекона рух, қадим қадриятларимиз яна бир карра намоён бўлди.

Мусобақаларда ўсмирлар, ёшлар, курашчилар ва фахрийлар низомда белгиланган вазн тоифаларида голиблик учун гиламга чиқишди. Беллашувларга пухта хозирлик кўрган мезбонлар буюк британиялик полвонлар кўплаб вазн тоифаларда голиб чиқишди.

Узбек кураши услубларини пухта ўзлаштирган Кайл Пери (66 кг), Адам Ашфорд (73, Буюк Британиядан), Арунас Мисекас (90, Литва), Фред Итиосе (100, Нигерия), Жойс Маллей (57, Шимолий Ирландия), Зоир Каримов (66, Қирғизистон), Бернард Кабос Дюамель (90, Франция) каби полвонлар мусобақа шохсупасига кўтарилиб, тегишли медаль ва ташкилотчиларнинг совғаларини олишди. Албатта, кураш ватани бўлган юртимиздан борган вакиллар беллашувларда қадимий спорт турининг чиройли усулларини қўллаб, мухлису мутахассислар олқишини олишди. Улардан ўз вазн тоифаларида Ниёз Чориев (66), Бехзод Ўролов (+73), Шахзод Саидмуродов (73), Шарофиддин Лутфуллаев (60, катталар), Баходир Fаниев (81) чиройли галабаларга эришиб, томошабинларнинг қарсаклари остида шохсупанинг юқори погонасига кўтарилди. Лайло Эшмўминова (+57), Жобир Чориев (42) ва Жахонгир Шомуродов (66) иккинчи ўрин билан кифояланишди, Гулзира Каримова (57) эса учинчи ўринни эгалла-

Лондондаги бу мусобақада санъаткорларимиз миллий куй-қўшиқ рақсларимизни намойиш этишди.

Оммавийликдан **голибликка**

Хаваскор жамоалар майдонда

Узбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан мини-футбол бўйича вазирликлар ва давлат идоралари жамоалари ўртасида Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишланган мусобақа ташкил этилди.

Мамлакатимизда спортни янада оммавийлаштиришга хизмат қиладиган ушбу мусобақа Ўзбекистон футбол федерацияси сунъий қопламали майдонида ўтказилди ва учрашувларни бошқаришга профессионал ҳакамлар жалб қилинди. Унда иштирок этиш истагини билдирган жамоалар кўплиги учун қатнашчилар тўрт гурухга ажратилди. Хар бир гуухдаги учрашувларда ва ярим финалда муваффақиятли тўп сурган Ички ишлар вазирлиги жамоаси бош соврин учун кечган ўйинда Бош прокуратура жамоасидан кичик хисобда устун келди — 2:1. Учинчи ўрин учун бўлган курашда Ташки ишлар вазирлиги жамоаси Адлия вазирлиги жамоасини маглубиятга учрат- μ — 3:1.

Бундай тоифадаги мусобақада голиб бўлишдан кўра билан саломатликни мустахкамлаш, ёш авлодга шахсий намуна кўрсатиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини шикллантиришга хисса қўшиш мухим ахамиятга эга.



болалар ва ўсмирлар футбол мактаби ўкувчиси Мухаммаджон Жумабоев.

«Насаф» — «Чонбури»

Куала-Лумпурда ОФК кубогининг чорак финал учрашувларига қуръа ташланди.

Қаршининг «Насаф» футбол клуби бу босқичда биринчи ўйинни сафарда Таиланднинг «Чонбури» жамоасига қарши ўтказадиган бўлди. Чорак финалнинг дастлабки ўйинлари 13-14, жавоб учрашувлари 27-28 сентябрь кунларига белгиланган.

Ўқув-семинар

БАРКАМОЛ АВЛОД

Журналист масъулияти

Узбекистон мустакил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини куллаб-кувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан «Инсон манфаати, хукук ва эркинликларини таъминлаш — фукаролик жамиятининг мухим омили» мавзусида семинар ташкил килинди. Унда республикамиздаги босма нашрлар ва ахборот агентликлари ходимлари иштирок этди.

Семинар машгулотлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон хукуклари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон хуқуқлари бўйича миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Амалдаги қонун хужжатлари мониторинги институти, хукукшунос олим ҳамда тажрибали журналистлар томонидан олиб борилди.

Бундан кўзланган асосий мақсад юртимизда инсон қадр-қимматини юксалтириш, хукук ва эркинликлари химоясини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни жамоатчиликка етказишда ОАВ ходимлари масъулиятини янада оширишга қаратилган. Шунингдек, тегишли вазирлик ва идоралар, инсон хуқуқлари бўйича фаолият юритаётган ННТлар билан ОАВ алоқаларини ривожлантиришга шароит яратишдан иборат.

Семинарда инсон хукуклари химояси, ахолининг хукукий маданияти билан боглиқ мавзуларда маърузалар тингланди.

Қайд этиш керакки, мамлакатни модернизация ва демократлаштириш жараёнида хуқуқий билимларнинг ўрни мухим ахамиятга эга. Шунинг учун хам юртимизда ахолининг хукукий онги ва маданиятини юксалтиришга алохида эътибор қаратилмокда. Бу борада, айниқса, Адлия вазирлиги томонидан олиб борилаётган таргибот-ташвикот ишлари эътиборга сазоворлиги таъкид-

Фуқароларимиз қонуний манфа-

атлари юзасидан турли идораларга мурожаат қилади. Жумладан, Омбудсманга хам. Семинарда тингланган «Омбудсман — инсон хуқуқларини химоя қилишда мухим омил», «Инсон хуқуқ ва эркинликлари химоясининг миллий ва халқаро асослари» мавзуидаги маърузалар юзасидан бўлган бахс-мунозарада кўпчилик иштирок этди.

Инсон хуқуқларига, унинг қадрқимматига бўлган эътиборни сўнгги йилларда суд-хуқуқ соҳасида ўтказилган изчил ислохотларда яққол кўришимиз мумкин. Биргина фукароларнинг суд орқали химояланиш кафолатлари жиддий тарзда кучайтирилганлигини айтиб ўтишимиз

Қонунлар мазмун-моҳиятини халқка содда, тушунарли килиб етказиш журналист махорати ва малакасига боғлиқ. Шу жиҳатдан семинардаги «Инсон хукукларини химоя килишда ОАВларининг ўрни ва вазифалари: журналист масъулияти» маърузаси тингловчиларни жиддий мушохада қилишга ундади. Журналист ўқиб-ўрганишдан, изланишдан асло тўхтамаслиги лозим. Шундагина у жамоатчиликка маъқул ва манзур бўладиган, ахолининг хукукий онги, маданиятини юксалтиришга хизмат киладиган материаллар тайёрлай олади. Бунда журналист кадрлар тайёрлаш сифатини янада ошириш хамда уларнинг ихтисослашуви мухим ахамиятга эга.

Равшан ШОДИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«Ёз — 2011»

Оромгох болаларни чорлайди

Пойтахтимизда «Соглом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг тиббий-ижтимоий маркази қошида «Соғлом авлод» болалар оромгохи очилди.

Юнусобод тумани хокимлиги билан хамкорликда ташкил этилган ушбу дам олиш масканида жорий мавсумда 200 нафарга якин кам таъминланган оила фарзандларининг марокли дам олиши учун барча зарур шароит

Оромгохда болаларнинг мазмунли дам олиши учун маънавий-маърифий, маданий ва спорт тадбирлари хамда интеллектуал ўйинлар ташкил этилади. Ўғил-қизлар тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларнинг саломатлиги мунтазам назорат қилиб борилади. Шунингдек, ўқувчиларга соғлом турмуш тарзи, гигиена коидалари ва саломатлик сирларини ўргатиш мак дида учрашув ва сухбатлар ташкил этиш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш режалаштирилган.

(¥3A)

Солиқ тизими

Электр хакини тўладингизми?

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун хисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарори билан солиқ органлари зиммасига хам бу борада қатор вазифалар юклатилган. Булар тўлов муддати ўтган қарзларни йиғиш, юридик шахслар томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун маблағларнинг кассага тўлиқ тушишини назорат қилиш ва бошқалардир.

Бугунги кунда Қашқадарё вилоятида электр энергиясини истеъмол қилувчи юридик шахслар сони 7962 тани ташкил этади. 2011 йил 1 май холатига электр энергиясидан муддати ўтган дебитор қарздорлик 1468,4 млн. сўмни ташкил этган. Тўгри, ахволни ўнглаш учун бир қатор чора-тадбирлар кўрилди. Натижада карздорлик йил бошига нисбатан 451,29 млн. сўмга камайди.

Бироқ, айрим туманларда, жумладан, Миришкор, Китоб, Қамаши туманлари ҳамда Қарши шаҳрида қарздорлик сезиларли даражада ошган. Унинг асосий кисми эса Қарши магистрал канали, вилоят Сувоқава, Агроводоканал сингари йирик истеъмолчилар ҳамда махаллий бюджет корхоналари хиссасига тўгри келади.

Вилоят солиқ органлари электр энергиясининг ноконуний истеъмолини чеклаш, қоидабузарларга қонунда белгиланган тартибда

чора кўриш мақсадида турли усуллардан фойдаланмоқда. Ўтказилган рейд тадбирлари натижасида бир қатор тўйхона, умумий овқатланиш тармоқларида электр энергияси ноқонуний истеъмол қилинаётгани тўгрисида аникланган. хужжатлар хукукни мухофаза қилувчи органларга ўтказилди. Бундан ташқари, вилоятда қоидабузар истеъмолчиларни аниклаш ва уларга чора кўриш учун энергия сотиш бўлимлари ва солиқ хизмати органлари ходимларидан иборат ишчи гурухлар тузилган. Уларнинг саъй-харакати билан жорий йилнинг ўтган даврида 7454 та истеъмолчига 30,5 млн. кв.т соат ёки 2151,1 млн. сўм қайта хисоб-китоб қилинди. Ўтказилган қисқа муддатли текширишларда 15 та холатда 89.9 млн. сўм микдорида қарор талаблари бузилиши аниқланиб, қоидабузарларга

тегишли чоралар кўрилди. Худудий суд ижро бўлимларига

такдим этилган 1364,9 млн. сўмлик қарзнинг 737,1 млн. сўми ундириб олинди.

Кези келганда шуни айтиш жоизки, карор ижроси юзасидан ўтказилаётган текширишларда айрим камчилик ва хатоларга электр тармоқлари корхоналарининг ўзлари сабабчи бўлаётгани хам маълум бўлмоқда. Улар томонидан 108 холатда истеъмолчиларга 91,1 млн. сўмлик электр энергияси ноконуний етказиб берилган. Худудий электр тармоқлари томонидан 15 та юридик истеъмолчининг 23.3 млн. сўмлик қарзи реестрлар асосида солиқ органларига тақдим этилмаган.

Электр энергиясининг хар киловатт соати хисобли ва хар ким фойдаланган энергия учун ҳақни ўз вактида тўлаши лозим.

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ, Қашқадарё вилоят Давлат солиқ бошқармаси ахборот хизмати бошлиги.

Гиёхвандлик — аср вабоси

Саидабзал Гулов махалладоши Абдуфаттох Сохибов билан тижорат мақсадида 2009 йилнинг эрта бахорида Термизга боради. Юмушларини битирган шериклар тушлик қилиш учун ошхоналардан бирига киради. Шу ерда улар ўзини Илхом Шокиров, деб таништирган тожикистонлик фукаро билан танишиб қолади. У гиёхвандлик моддалари сотишда устаси фаранглардан эди. Гурунг орасида иккала шерик мехмонга хорижга ишга бормокчи эканини айтиб қолади.

Тубсиз жарлик

ёки сариосиёлик Саидабзал Гулов, Абдуфаттох Сохибов, Мухаммад Носировлар кўра била туриб гиёхванд моддалар савдо-сотигига аралашиб қолганлари ҳақида.

Илхом Шокиров эса мавриди келганидан фойдаланиб, — Шу кунларда Россияга юк жўнатмокчи эдим. Уни сизлардан бериб юборсам. Эвазига 4 миллион сўм оласизлар, дейди.

бўлади, бундан хеч ким шубхаланмайди, - гапини давом эттиради у. — Носни қушни давлатга олиб утишда муаммо бўлиши мумкин, — иккиланади

— Бор-йўги иккита чамадон. Уларда нос

Саидабзал Гулов. — Хамма гап ана шунда, — давом этади гиёхвандфуруш. — Сумкаларга «дори»ни шундай жойлайманки, уни рентген нур-

ларию, итлар ҳам аниқлай олмайди.

...Гапни бир жойга қўйган шериклар тарқалишади. «Юк»ни турли айланма йўллар орқали Сариосиёга келтирган Илхом Шокиров хамтовоклари билан 2009 йилнинг 23 мартида учрашади. Шу куннинг ўзида учовлон йирик микдордаги гиёхванд моддаларни туманнинг «Лангар» қишлоғида истиқомат қилувчи Ойша Сохибованинг (Абдуфаттох Сохибовнинг опаси) уйига яширади.

 Россияга боришга оилам рози бўлмади. — дейди кейинчалик ўз кўрсатмасида Саидабзал Гулов. — Даромаддан қолаётганимдан афсусландим хам. Шеригим Абдуфаттох эса жияни Мухаммад Носиров билан кетадиган бўлди.

Шундай қилиб, 2009 йилнинг 31 март куни тоға-жиян «Нексия» да Самарқандга йўл олади. Шахарда бир кеча тунаган оғуфурушлар эрталаб аэропортга отланади. Аммо, хукуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан ўтказилган махсус текширишда йўловчиларнинг юк чамадонида 4 килою 8 грамм «гашиш», 2 килограмм 807 граммдан ортик «героин» гиёхвандлик воситаси борлиги маълум бўлади.

Кимдир кўрмай тиканни босиши мумкин. Мўмай даромад талвасасига йўликқан гиёхвандфурушлар эса эгри йўлнинг охири вой бўлишини билгани холда шу йўлни танлаганлари ачинарли. Тоға-жиян гиёхвандфурушлар-ку қилмишига яраша жазосини олди. Аммо бу "тижорат" га алокалор Саидабзал Гулов хам жазодан кутилиб колмади — Жиноят ишлари бўйича Узун туман судининг 2011 йил 1 февралдаги хукми билан у хам узок муддатга озодликдан махрум этилди. Равшан МУХСИНОВ,

Жиноят ишлари бўйича Узун туман суди раиси. Абдумалик ХАЙДАРОВ. «Ўзбекистон овози» мухбири.

ОБ-XABO 09-10.06. 2011 БУГУН ЭРТАГА

| _ | | | | | |
|---|---------------------------------|---------------------------------|-----------------------|--|--|
| Тошкент | *** | 27°C | *** | 29°C | |
| Самарқанд | * | 27°C | *** | 32°C | |
| Нукус | 袋 | 25°C | * | 30°C | |
| Карши | 蓉 | 30°C | 松 | 35°C | |
| Урганч | 袋 | 25°C | ** | 30°C | |
| Навоий | ** | 28°C | *** | 33°C | |
| Фаргона | 袋 | 27°C | *** | 32°C | |
| Бухоро | * | 28°C | *** | 33°C | |
| Андижон | 稳 | 27°C | * | 32°C | |
| Наманган | 袋 | 27°C | * | 32°C | |
| Термиз | 袋 | 30°C | * | 35°C | |
| Жиззах | 袋 | 27°C | *** | 32°C | |
| Гулистон | 禁 | 27°C | *** | 32°C | |
| Тошкент вил. | | 27°C | | 32°C | |
| Лондон | 24℃ | | | 18°C | |
| Париж | ₹29°C | | CHE ! | 25°C | |
| Москва | ₹21°C | | San E | 23°C | |
| Мадрид | 26°C | | CHIEF THE PROPERTY OF | 25°C | |
| Пекин | ⋘ 31℃ | | | 30℃ | |
| | | | | | |
| Гонгконг | ** 3 | 2°C | | 32°C | |
| Гонгконг Ри м | 3 3 3 3 3 3 3 3 3 3 | | | | |
| | | 6°C | | | |
| Рим | * 2 | 6C | | 25℃ 24℃ | |
| Рим Анқара | * 2 | 6°C 6°C | ** | 25°C 24°C 27°C | |
| Рим Анқара Токио | <pre># 2 # 2 # 2</pre> | 6C 6C 6C | ** | 25°C 24°C 27°C 14°C | |
| Рим Анқара Токио Стокгольм | * 2 * 2 * 2 * 2 | 6°C 6°C 6°C 6°C 7°C | ** | 25°C 24°C 27°C 14°C 17°C | |
| Рим Анқара Токио Стокгольм Кейптаун | * 2 * 2 * 2 * 2 * 1 | 6°C 6°C 6°C 7°C 0°C | *** | 25°C 24°C 27°C 14°C 17°C 32°C | |

Тошкент шахар хокимияти Согликни саклаш бош бошкармасининг 2011 йил 20 апрелдаги 83-сонли буйругига асосан «Тошкент шахар юкумли касалликларни шахс сифатида ўз фаолиятини тугатади.

Самарқанд медицина институти, врачлар малакасини ошириш факультети оториноларингология кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор Умрилло Лутфуллаевга опаси МУХАЙЁ аянинг

вафоти муносабати билан бир гурух дўстлари ва шогирдлари чукур таъзия изхор килади

MUASSIS:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

Bobir ALIMOV



MARKAZIY KENGASHI

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV Ulug'bek MUSTAFOYEV Latif G'ULOMOV Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari) Sharbat ABDULLAYEVA G'affor HOTAMOV Murodulla ABDULLAYEV (Bosh muharrir o'rinbosari)

Muslihiddin **MUHIDDINOV** Ochilboy RAMATOV Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR: Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45;

ljtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; moatchilik bilan aloqalar va huquqiy targʻibot — 233-12-56; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-ragam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxong manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uv. Gazeta ofset usulida. A-2 formatida bosildi. Haimi 2 bosma tabog

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«Oʻzbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 649 17413 nusxada

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz t — Tijorat materiallari Topshirish vaqti — 21.00 OʻzA yakuni — 21.15 bosildi. Topshirilgan vaqti — 01.00

Navbatchi: To`lgin TO`RAXONOV Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

